Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЗУЛ-ҲИЖЖА, 2-КУН.
ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, ЖАВЗО, 13-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 ЙИЛ 3 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА, 106—СОН • 357 • НАРХИ: СОТУВДА 1 СЎМ 50 ТИЙИН.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ УЗИЛМАЙДИ

Ўтган шанба куни Кремлда Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўзбекистон давлат делегацияси таркибида «Правда»нинг махсус мухбири, республика халқ депутати Вилор Ниёзматов бор эди. Шартнома имзоланиши биланоқ унинг илтимосига биноан Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ «Правда» рўзномасининг саволларига жавоб қайтарди.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон учун бу шартноманинг аҳамияти қандай?

— Аввало, шуни айтмоқчиманки, мазкур шартнома Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш демакдир. Кўп йиллик тарихга эга бўлган бу дўстлик ва ҳамкорлик халқларимизнинг туб манфаатларига мос келади ва тинчлик ҳамда хавфсизлик ишига хизмат қилажагига шубҳа йўқ. Биз ҳозиргина имзолаган тарихий аҳамиятга молик ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги сифат жиҳатидан янги, тенг, ўзаро манфаатли ҳар тарафлама ва теран муносабатларнинг илк нуқтаси бўлишига ишонгим келади. Собиқ СССР республикалари эндиликда суверен ва мустақил давлатлар бўлиб қолган ҳозирги вақтда улардан бирининг жаҳон ҳамжамиятига, жаҳон иқтисодиётига кириши кўпгина мураккаб муаммоларни вужудга келтираётгани эътиборга олинса, бу воқеанинг аҳамияти бениҳоядир. Собиқ умумий хонадонимиздаги миллатлараро, элатлараро, ихтилофлар биз, раҳбарлар зиммасига иқтисодий, молиявий, банк ва кредит тизимларига ягона ёндашувини белгилаб олиш мажбуриятини юклайди. Бошқача қилиб айтганда, биз шартномани имзолаш асосида иккала давлат орасидаги янги муносабатларнинг халқаро-ҳуқуқий негизини яратдик. Зеро, ҳозирги кунда кўп соҳалардаги муносабатларимиз эски ёндашувларга асосланган ва жуда оқсаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лоақал корхоналаримиз ўртасида, айрим минтақалар ўртасида издан чиққан иқтисодий алоқаларни олиб кўринг.

— Шу муносабат билан, Ислом Абдуғаниевич, Россиянинг тўқимачилар ўлкаси Ивановодаги аҳволга эътиборингизни қаратсам. У ерда пахта хом ашёси йўқлиги сабабли нохуш вазият вужудга келгани маълум. Ушбу шартнома тузилиши билан ивановолик тўқимачиларнинг истиқболи қандай бўларкин? Бу шартнома уларга тезроқ наф келтирармикан?

— Агар ифодали қилиб айтадиган бўлсак, шартнома остига қўйилган имзоларимизнинг сиёҳи қуримай туриб у ивановолик тўқимачиларга наф бера бошлади. Ўзбекистон шу бугунданоқ Россияга бу қимматли хом ашёни белгиланган миқдорда юборишга киришди. Бугина эмас, Борис Николаевич билан мен шу хом ашёни юборишнинг қатъий жадвалини тузишни топширдик, унинг бажарилишини иккаламиз қатъий назорат қилиб турамиз. Шартноманинг ана шундай хайрли одим билан бошланиши иккала мамлакатимиз халқларига кўнгилдаги натижаларни беришига ишонгим келади.

— Шартноманинг МДҲга ва Ҳамдўстлик теварагида вужудга келган вазиятга нисбатан аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Жуда ижобий баҳолайман. Ўн йил муддатга тузилган икки томонлама шартнома МДҲни мустаҳкамлашнинг ҳақиқий йўналишларидан биридир, чунки бундай битим Ҳамдўстликнинг ҳаёт-мамотига қалқит бермайди ва тўсқинлик қилмайди балки аксинча, уни мустаҳкамлаш учун ҳақиқий замин яратади. Баъзи давлатларнинг раҳбарлари МДҲнинг мавжудлигини сароб деб атаб, унинг инқирозини каромат қилишларига қарамай, мен унинг келажагига ишонаман. Ҳолбуки, шундай каромат қилаётган раҳбарлар МДҲни тузишга ўзлари бош қўшган эдилар. Ҳа, ҳозир Ҳамдўстлик ривожланиш ва юксалиш учун зўрба-зўр ҳаракат қилмоқда. Ўтмиш сарқитлари ҳаддан ташқари кўп. Очиғини айтсак: ҳозирги унчалик расо бўлмаган қарорларимиз ва тадбирларимиз ҳам ишга фойда бермаяпти. Шунга қарамай мен Ҳамдўстлик жуда оддий сабабга кўра, келажакка эга эканига ишончим комил. У ҳар биримизга зарур. Ҳатто уни ғаройибона бир енгилтаклик билан дафн этишга тайёр бўлганларга ҳам зарур. Мушкул аҳволдан ва тангликдан қутилиш учун Ҳамдўстлигимиз ҳаммамизга зарур. Чунки, буйруқбозлик тили эмас, балки ҳайрихоҳлик, тенг ҳуқуқлилик ва тотувлик тилигина собиқ СССР фуқароларига эртанги кунга умид ва ишонч билан қараш ва ўз юртларида маърифатли ҳуқуқий жамият барпо этиш имконини беради.

Ҳозир ҳам ўзаро баҳрамандлик ва кўп томонлама мулоқотимиз соҳасида кун сайин биргаликда орттирилаётган тажриба ақл-идрокимизни ҳар қачонгидан ҳам пешламоқда, бир-биримизни яхшироқ билиб олишимизга ёрдам бермоқда. Ҳалқларимизнинг азалий донолиги охир-оқибатда умумий хонадонимиздан мустаҳкам ўрин олишига ва мамлакатларимиз фуқароларининг тинч, муносиб турмуш ҳақидаги умидлари ниҳоят рўёбга чиқарилишига ишонаман.

— Россия ва Ўзбекистон ўз қуролли кучларини вужудга келтиришини расмий равишда эълон қилди. Шартномада ҳарбий соҳадаги ўзаро муносабат ифодалаб берилганми?

— Биз давлатларимизнинг пишиқ-пухта мудофаасини таъминлашда фаол ҳамкорлик қилишга, МДҲнинг стратегик қуролли кучларини бирлашган қўмондонлик ихтиёрида сақлаб қолишга, чегараларимизни муҳофаза қилишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга қарор бердик. Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари яхлит ҳарбий-стратегик маконга киради. Барқарор хавфсизликни таъминлаш, халқаро тинчликни сақлаб туриш мақсадида иккала томон зарур ҳолатларда ўзаро аҳдлашув асосида ўз ҳудудидаги ҳарбий иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан алоҳида битим тузилади.

— Ўзбекистонда уч миллиондан кўпроқ рус ва бошқа миллатлар вакиллари яшаб турганлиги маълум. Ушбу шартнома улар учун ҳам ўзаро ишончнинг ортиб бориши, ҳозир ҳам давом этадими ва шартнома ўзаро ишончнинг ортишига ва ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам бера оладими?

— Шартномага биноан иккала давлат ўз ҳудудида яшаб турган кишиларнинг миллати, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа маслакларидан қатъи назар уларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини ҳамда эркинлигини халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган нормаларига мувофиқ кафолатлайди. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Россия ўз ҳудудида фуқароларнинг бирон бир тарзда камситилишига йўл қўймаслик учун қонуний-маъмурий ва бошқа зарур чораларни кўради. Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар соҳасида ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақида алоҳида битимлар, шунингдек бошқа томон ҳудудида яшаб турган ўз фуқароларининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган консуллик битими ва бошқа ҳужжатлар тузилади.

— Яқин вақтгача Россия халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари бўйича мутахассислар, илмий кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос маскани бўлиб келган эди, деса бўлади. Россиянинг кўпгина олий ўқув юртларида Ўзбекистоннинг минглаб фуқаролари таълим олишди, ҳозир ҳам ўқишмоқда. Бу тажриба келгусида ҳам давом этадими ва шартномада бу нарса ифодалаб берилдими?

— Ҳа, Ўзбекистон бундан буён ҳам таълим, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантираверади. Иккала мамлакат ўқув юртлари, илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ўртасидаги бевосита алоқалар устувор йўналишлар бўлиб қолади. Хуллас, кадрлар тайёрлаш, бир-биримизга олимлар, мутахассислар, аспирантлар ва талабалар юбориш учун қулай шароит яратилади. Шундай бир бениҳоя муҳим жиҳатга эътиборни қаратмоқчиман: таълим ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ва даражалар баббаравар тан олинаверади.

— Аҳдлашувчи томонларнинг чегаралари «тиниқ» бўладими?

— Биз бундан буён ҳам чегараларимизнинг очиқлигига амал қилмоқчимиз, фуқароларнинг иккала мамлакат ҳудудига киришчиқиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришини таъминлаш учун зарур чораларни кўрмоқчимиз.

— Сизнинг фикрингизча, шартномамизни амалда рўёбга чиқаришда ва МДҲни мустаҳкамлашда матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти қандай бўлади?

— Аввало матбуотга шахсий муносабатим ҳақида гапирай. Унга умуман ижобий қарайман. Журналистнинг меҳнатини ҳурмат қиламан ва муносиб баҳолайман. Бу меҳнат бунёдкорликка қаратилган бўлишини назарда тутаяпман, албатта. Амалий танқидга хайрихоҳлик билан қарайман. Мен бу гапни бировга ёқиш учун айтаётганим йўқ. Кейинги вақтларда айрим рўзномалар, телекўрсатувлар бамисоли келишиб олгандек, Ўзбекистон ҳақида гап кетганда кўзбўямачилик қилишга уринмоқдалар, бошқа давлатларнинг жамоатчилигини чалғитиб, турли-туман бўлмағур уйдирмаларни айтмоқдалар. Ижобий жиҳатни эса кўришни асло истамайдилар. Ўзбекистон фуқаролари ҳозирги оғир вақтда нисбатан осойишта яшаётганликларини ва худога шукурки, кўчаларимизда ўқ отилмаётгани ва қон тўкилмаётганини кўролмаяптилар.

Адолат юзасидан «Правда» рўзномасининг холислигига ва таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонга нисбатан «инсоф билан ёндошаётганига» тан бермоқ керак. Шартномамизнинг амалда рўёбга чиқиши иккала мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситаларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлигига аминман. Агар улар бу шартноманинг тарафдорлари бўлсалар, иккала давлатнинг раҳбариятига уни амалга оширишдаги танг жойларни «фаҳмлашда» ёрдам берсалар, олға боришимизга ҳалақит берадиганларни нишонга олиб танқид қилсалар, мамлакатларимиз халқларининг ташаккур сўзлари бундай журналистларга муқофот бўлади.

— Бу даъват журналистларни лоқайд қолдирмайди деб ўйлайман. Шартноманинг бажарилиши иккала мамлакатнинг ҳукуматлари томонидан қандай назорат қилинади? Чунки шартнома қабул қилингани билан уни ижро этиш ўртасида катта масофа бор, деса бўлади.

— Шартномамизнинг ижросини назорат қиладиган икки томонлама аралаш комиссия тузиш ҳақида Борис Николаевич билан келишиб олдик. Тегишли адлия ва маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган бу комиссия доимий ишлайди. Хуллас, дастлабки пайтданоқ шартноманинг амал қилиш омили белгилаб қўйилди, деса бўлади.

— Ислом Абдуғаниевич, «Правда» орқали Россияга, унинг халқига қандай тилаклар айтмоқчисиз?

— Авваламбор Россия диёрида тинчлик ва иноқлик бўлсин. Шу қийин кунларда россияликларга сабр-тоқат ва мардлик тилайман. Ўзбекистонни Россия ишончли ҳамкор ва дўст деб биларсин. Фуқароларимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон ўз келажагини, ўз истиқболини Россия билан дўстликсиз тасаввур этмайди. Биз учун Россия регионимиздаги барқарорлик ва тинчликнинг, чегараларимиз дахлсизлигининг кафилидир.

Россия Президентининг шартномамиз имзоланган кунни тақвимга йирик ҳарфлар билан дадил ёзиб қўяверса бўлади, деган сўзларига тўла-тўкис қўшиламан.

— Суҳбат учун раҳмат, Ислом Абдуғаниевич. Борис Николаевич билан сиз имзолаган шартнома икки янги мустақил давлатнинг янги ва тенг ҳуқуқли муносабатларида биринчи қалдирғоч бўлсин!

Вилор НИЁЗМАТОВ,
(«Правда» рўзномасининг 2 июнь сонидан)

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним манам

Мухбирларимиз ва республика миллий ахборот агентлиги хабарларидан

МИЛЛИЙ УДУМ, ШАРҚОНА ҚАДРИЯТ САБОҚЛАРИ

● Каттақўрғон шаҳар тиббиёт билим юрти талабалари эски ўзбек ёзувини ўрганиб олдилар.

БУ ДАРСЛИК ўқув дастурига киритилгани туфайли талабалар миллий урф-одатлар ва удумлардан, шарқона қадрият ва инсоний фазилатлар ҳақида ҳам сабоқ олдилар.

ХОРИЖИЙ РАССОМЛАРГА ҲАМ ЭШИКЛАР ОЧИҚ

● Самарқанд шаҳрида кўргазмахона очилди.

МАҚСАД — бадиий ижод усталарининг ранг-баранг кўргазмаларини ўтказиб туриш. Кўргазмахона эшиклари хорижий рассомлар учун ҳам ҳамиша очиқ бўлади. Чунончи, очилиш маросимида швециялик мусаввирлар ўзларининг энг яхши асарларини намойиш этдилар.

ПИОНЕР БЎЛИШДИ...

● Боғдот районидаги 13-мактабнинг 3-синф ўқувчилари кашшофлар сафига қабул қилинди.

КАШШОФЛАР бўйинларига алвон галстук тақишга бағишланган тантанада Ленин боболари номига қасамёд қилиб, унингдек ўқишга, ишлашга, Ватанни севишга сўз бердилар. Тўғрими-нотўғрими, ҳар ҳолда болаларча эътиқод мусаффо бўлади. Буни муаллимлар тушунсалар бас.

ХОМ АШЁ — ОЛТИН

● Ҳадемай, савдода «Самарқандда тайёрланган» тамғаси босилган заргарлик буюмлари пайдо бўлади.

САМАРҚАНДДА миллий зеб-зийнат, турли тақинчоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Асосий хом ашё — олтин учун жамғарма ажратилди. Металлни қайта ишлаш корхонасининг бир гуруҳ мутахассислари ва ёш ишчилари Тошкент заргарлик заводида тажриба ўрганишга киришдилар.

АНДИЖОНТУРИСТ—ҲОЖИЛАРГА ҲОМИЙ

● 320 нафар мусулмон ҳаж қилиш учун Саудия Арабистонига боради.

«АНДИЖОНТУРИСТ» бирлашмаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясидан ижарага олган Ил-86 самолёти ҳаж сафарига отланганларни Тошкентдан Жиддага элтади. Сафарни ташкил этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, тиббий кўрик ва божхона текширувидан ўтказиш каби ташвишларни бирлашма ўз зиммасига олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ўзбекистон Европа банки бошқарувчилари кенгашининг 21-рақамли қарорига мувофиқ аъзоликнинг барча шартларини бажаргани муносабати билан уни Европа банкининг аъзоси бўлгани билан ғоят қувониб табриклайман. Мен Европа банкининг Ўзбекистон тарафидан бошқарувчиси бўлмиш Азимов жанобларига бош котиб-томонидан берилган гувоҳномани юбордим. унда 1992 йил 30 апрелдан эътиборан Ўзбекистон банкнинг аъзоси бўлгани тасдиқланади. Маълумотингиз учун гувоҳноманинг нусхасини илова қиляпман.

Банк ходимлари банкнинг Ўзбекистонга нисбатан стратегиясини тайёрлаш, хусусан, нефть, газ, олтин, пахта, сайёҳлик ва банк тизимига оид тижорий жиҳатдан яшовчан лойиҳаларни муҳокама қилиш учун, шунингдек, банк мандатининг сиёсий жиҳатларига мувофиқ равишда, мамлакатингизда демократия тараққиётини баҳолаш учун 31 майдан 4 июнгача Ўзбекистонда бўлишини режалаштирганларидан сизни мамнуният билан хабардор қиламан. Юқорида зикр этилган банк ходимларининг рўйхатини, шунингдек уларнинг ҳар бири шуғулланадиган лойиҳаларнинг қисқа тавсифини ва назарда тутилган маршрутни ушбу мактубга илова қилдим.

Камоли эҳтиром билан

Жак АТТАЛИ,
Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти

1992 йил 27 май.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИГА АЪЗОЛИГИ

БАНК БОШ КОТИБИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ГУВОҲНОМА

Банк бошқарувчилари кенгаши 21-рақамли қарорининг 10-бандида олдиндан келишиб қўйилган шартларни Ўзбекистон муносиб тарзда бажаргани туфайли,

қарорнинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон банкнинг аъзоси эканини ушбу билан тасдиқлайман.

Барт Ле БЛАНК,
Бош котиб

1992 йил 30 апрель.

● Долзарб мавзуда суҳбат

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ЧИҚАРИЛАДИМИ?

Ҳар бир давлат бозор муносабатларига ўз йўли билан боради. Мустақил давлат раҳбарияти ўтказаётган иқтисодий сиёсат қанчалик пухта бўлса, кўраётган чоралари қанчалик самарали бўлса ҳозирги жуда кўп муаммолар шу қадар тез ҳал этилади. Очиғини айтайлик: ҳозир аҳволнинг қийинлигини ҳар бир киши сезиб турибди. Маош бериладиган куни орзиқиб кутсангу, маош ололмасанг, собиқ иттифоқдаги кишиларга хос бўлган келажакка ишонч билан қараш туйғуси ҳам сўна бошлайди.

Нақд пулнинг йўқлиги Ўзбекистондаги юз минглаб кишиларни оғир аҳволга солиб қўйди. Нима учун шундай ҳол юз бермоқда? Бу вазиятдан чиқадиган йўл борми, аҳволни изга солиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири худди шу ҳақда республика давлат банки бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ билан суҳбатлашди.

— Файзулла Мақсуджонович, Украина, Беларусь, Болтиқбўйи мамлакатлари тез орада ўз миллий валютасига ўтиши тўғрисидаги хабар ҳеч кимни ажаблантирмади. Бироқ, МДҲ давлат бошлиқлари Тошкент учрашувида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳозирча сўм муомила қиладиган доирада қолади. Афсуски, сўм ҳам тобора камайиб кетяпти...

— Сиз мутлақо ҳақсиз. Ҳозир моллар билан таъминланмаган қоғоз пул миқдори жуда кўпайиб кетди. Ишлаб чиқаришнинг таназзули эса аҳоли умумий даромадларининг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Аммо айрим табақаларнинг даромадлари мислсиз даражада ошди. Бир мисол келтираман. «Запорожсталь»да домна печи мастерининг иш ҳақи ҳозир ойига 70 минг сўмни ташкил этади. Россияда шахтёрлар бундан сал камроқ иш ҳақи олишади. Митинглар ўтказиб, иш ташлаб, иш ҳақини оширишни талаб қилиш сўмнинг харид қувватини фалокатли даражада туширяпти. Ўтган апрель ойида истеъмол нархлар индекси 1991 йил декабрига нисбатан 740 фоизни ташкил этди. Агар индекслашнинг ўсишини кузатадиган бўлсак, сўнгги ойларда олдинги ойларга нисбатан қуйидагиларни кўриш мумкин: январда — 345 фоиз, февралда — 135 фоиз, мартда — 130 фоиз. Мустақил экспертларнинг фикрича пулнинг чинакам қадрсизланиш даражаси эса бундан бир ярим-икки баравар ортиқ...

Нақд пулнинг тақчиллиги эса муттасил кучайиб бормоқда. Муомилага 200, 500, ва 1000 сўмлик пуллар чиқарилган шароитда шундай бўлмоқда. 5000 сўмлик пул босиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди. Пул соҳасида бундай сиёсатнинг оқибатида иқтисодиёт барбод бўлади, эндигина вужудга келаётган бозор муносабатларига жиддий зарба етади.

Шундай шароитда ҳар бир мустақил республика ўзини иқтисодий ларзалардан асраши лозимлиги тушунарлидир. Пул босиб чиқарадиган дастгоҳ Россия ҳудудида бўлса, Ўзбекистон эса бу пулларни Россиядан «келтиришга» мажбур бўлса, иқтисодий ларзалардан қандай сақланиш мумкин? Сиз нақд пул нима учун етишмаяпти, деб сўраяпсиз. Бунинг жавоби осон: Ўзбекистоннинг нақд пул ажратиш тўғрисидаги буюртмалари муттасил бажарилмай қолмоқда. Шу йилнинг ўзидагина муомилага салкам 11 миллиард сўм пул чиқарилди, бу эса сўнгги ўттиз йил ичида чиқарилган қоғоз пулнинг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Республика хўжаликларига берилаётган нақд пулнинг тўртдан бир қисми ана шу ҳисобдан бўляпти. Қорақалпоғистонда, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида жуда жиддий аҳвол вужудга келди.

— Ҳақиқатан ҳам вазият мураккаб. Бу вазиятдан қандай чиқиш мумкин?

— Собиқ иттифоқ республикалари — Эстония, Латвия, Литва, Украина, Беларусь, бошқалар ўз валютасини тайёрлаш ва жорий этиш юзасидан фаол иш олиб бормоқда. Россия ҳам бундан мустасно эмас. Бу эса Ўзбекистонни сўм босиб кетиши ва истеъмол бозори бутунлай барбод бўлиши хавфини кескин равишда оширади. Бу аҳвол бизнинг республикамизни ҳам ўз валютасини жорий этишга доир ишларни олиб боришга мажбур қилади. Бунинг учун иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд. Бу жараённинг жуда мураккаблиги равшан. Аммо биз бунга тайёрмиз.

Ўз ишлаб чиқариш имкониятларимизни кўпайтириш юзасидан жиддий иш олиб боришимизга тўғри келади. Миллий валютани жорий этиш асосий мақсад эмас. Айни бир вақтда жуда кўп иқтисодий муаммолар ҳал этилиши керак. Ички бозорни моллар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва таъмирлаш, халқ хўжалигни мажмуининг барча тармоқларини ривожлантириш ана шундай иқтисодий муаммолардандир. Ҳозирча эса шу йилнинг тўрт ойида тахминий ҳисоб-китобларга нисбатан 7,5 миллиард сўм, савдодан эса 10 миллиард сўм кам пул тушди.

— Бунинг сабаби магазинлар пештахталарининг бўшлигидир...

— Унчалик эмас. Моллар бор, бинобарин уларни харид қилиш керак. Республика раҳбарияти истеъмол бозорини муҳофаза қилиш юзасидан кўраётган чоралар натижа бера бошлади. Шунга қарамай, бошқа республикалардан қоғоз пуллар оқиб келиши мумкин. Бизнинг маълумотларимизга қараганда, ҳозир Ўзбекистонликлар қўлида 18 миллиард сўмдан кўпроқ пул бор. Бу жуда катта пул! Қонуний бир савол туғилади: республика аҳолисига бу пул нима учун зарур, 50 сўмлик ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш, наҳотки, уларга ҳеч нарсани ўргатмаган бўлса. Улар пулларини жамғарма банкларида сақлаганида эди 40 фоиз қўшимча ҳақ олган бўлар эдилар. Қўлларида сақлаганликлари учун тахминан 4,5 миллиард сўмдан маҳрум бўлишди. Ҳозир ғализ туюлса ҳам пулни жамғарма банкларида сақлашга даъват этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси жамғарма банкига қўйилган омонат учун тўланадиган фойдани 15 фоизгача оширди. Бу ҳам чегара эмас. Хуллас пул жамғарма банкларида сақланса давлат ўз фуқаролари жамғармалари асралишининг ишончли кафолати бўлади.

Меъёрий иқтисодий муносабатларда пул ортиқча юк бўлиб ётмаслиги, балки ишга солиниши керак.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ТАРАДДУДИ

2 июнь куни Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро Тошкент кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг дастлабки мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров бошқарди.

XI Халқаро кинофестивалга ер юзининг беш қитъасидаги 60 га яқин мамлакатдан қарийб 500 нафар кино арбоблари келиши кутилмоқда. Кинофестивальшу йилнинг 8—15 октябрь кунлари ўтказилади.

Мажлисда ташкилий комитет, вазирликлар ва идораларнинг анжуманни ўтказиш борасидаги вазифалари белгилаб олинди.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

2 июнь куни «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» мавзуида Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимининг сессияси ўтказилди.

Уни Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти И. Искандаров очди.

Сессияда жамиятни янгилаш даврида фалсафа фанининг муҳим масалалари, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши ва иқтисод фанининг вазифалари, мустақиллик ва ҳудудий тизимнинг шаклланиши, Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тарих фанининг вазифалари каби долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

• *Муаммо ва таклифлар* •

ЧЕКЛАНГАН ҲУҚУҚ ЭРКИНЛИК ЭМАС

Ҳозирги кунда ижара мўносабатлари, фермер (деҳқон) хўжаликлари ривож топмоқда. Агар 1991 йил бошида жумҳуриятда чорвачиликка ихтисослашган 6502 фермер (деҳқон) хўжаликлари, жумладан 4987 та сут ишлаб чиқаришга, 1515 та бўрдоқичиликка йўналтирилган хўжаликлар вужудга келган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 1,5 баробар кўпайди, ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ошди.

Айниқса, Наманган вилоятида фермер (деҳқон) хўжаликлари яхши натижаларга эришмоқда. Вилоятда 300 дан ортиқ шундай хўжалик мавжуд. Жами фермерларнинг 80 фоизи Задарё, Норин, Поп, Уйчи, Тўрақўрғон районларида жойлашган.

Задарё районида К. Ҳосилбеков бошчилигидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги 30 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 1991 йилда 4357 кг сут соғиб олишга эришди. Бу натижа район кўрсаткичларидан қарийб 1,5 баробар юқори. Оилавий фермер хўжалиги йил мобайнида давлатга 130,7 тонна сут, 3,7 тонна гўшт сотди. Бу жамоада 6 киши ишлайди. 92 бош қорамолни парвариш қилишмоқда. Уларга 100 гектар ер озуқа етиштириш учун ажратиб берилган. Фермерлар керакли техникани трактор паркидан талабнома асосида хўжалик ички баҳоларига риоя этган ҳолда ҳақ тўлаб оладилар. Ишлаб чиқаришдаги иқтисодий алоқаларнинг бундай ташкил этилиши фермерлар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Чортоқ районидаги Шоди Файзиев фаолиятини фермерлик ҳаракатининг яхши намуналаридан бири дейиш мумкин. Ушбу фермер хўжалигидаги соғин сигирлар орасида 20 литргача сут берадиган зотдор моллар бор. Шоди Файзиев моллар маҳсулдорлигини ошириш ва зотдор сигирларни бозорлардан, бошқа минтақалардан топиб келишга ҳаракат қилиши туфайли шунга эришмоқда. Ҳозир хўжаликда 100 бош қорамол бор. Булардан 50 таси соғин сигирлар. Фермер ўз даромадлари ва давлат банкидан олган қарзлари ҳисобига замонавий механизациялашган ферма қуришга киришди. Лекин ҳозирги таъминотдаги турғунлик кўпгина механизмларни топишда қийинчилик туғдирмоқда.

Бундай катта ва истиқболли фермер хўжаликлари нафақат Наманган вилоятида балки жумҳуриятимизда ҳам саноқли. Фермер хўжаликларининг ҳар ўнтасидан бештаси кўпи билан 30 бошгача қорамолга эга, холос. Фермер хўжаликлари бундай заифлигининг объектив ва субъектив сабаблари бор. Ҳозирги пайтда жамоа ва давлат хўжаликларининг ҳаммаси ҳам фермер хўжалигининг ривожланиши учун ёрдам бериш имкониятларига эга эмас. Аксарият фермерлар фақат ўз кучларига таянган ҳолда фаолиятларини ривожлантирмоқдалар. Албатта, бунда банкдан олинадиган қарз асосий омил ҳисобланади. Лекин банк ишидаги ноаниқликлар, ортиқча қоғозбозлик ва қарз фоизлари фермерларни чўчитиб қўймоқда.

Фермерлик ҳаракати, ширкатлар, ижарачиларнинг иш тажрибаларини уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳали кўп масалалар ечимини кутиб ётганини кўрсатмоқда. Хўжалик раҳбарлари мутахассислар, фермерлар ва ижарачилар билан ўтказилган мулоқотлар шундан далолат берадики, кўп жойларда хўжалик юритишнинг янгича бу шаклини ривожлантиришга бўлган муносабатлар ҳам турлича, кўп ҳолларда қарама-қарши фикрлар мавжуд. Иқтисодчилар ижара, ширкат, фермерлик ҳаракатларини истиқболли, иқтисодий самарали усул деб баҳоламоқдалар.

Улар хўжалик юритишнинг бу шаклларининг иқтисодни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади, дейишмоқда. Бунинг учун аввал фермерлар ўз жойларида тўла хўжайин бўлишлари керак.

Айни пайтда фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиш борасида ечилмаган масалалар талай. Булардан бири — банкдан қарз олиш муаммоси. Мавжуд қоидага кўра фермер хўжалиги фақат жамоа ёки давлат хўжалигининг кафолат хатига эга бўлсагина банкдан қарз олиши мумкин. Бу эса фермерларни моддий жавобгар шахс сифатидаги масъулиятини пасайтиради. Фермернинг иқтисодий аҳволи ваколатли юридик шахсга, яъни жамоа ва давлат хўжалигига боғлаб қўйилган. Бу ҳолат раҳбар ходимларнинг фермерлар ҳақидаги фикрини салбий шакллашишига олиб келмоқда.

Фермер хўжалигини ривожлантиришдаги яна бир муҳим шартлардан бири уларга ер ажратиб бериш масаласидир. Бунда фермер тасарруфидаги ер қонуний равишда узоқ муддатли ижарага берилиши керак. Албатта, бунда улар жамоа ва давлат хўжаликлари ишлаб чиқариш мажбуриятига жавобгар бўлмаслиги керак.

Фермер (деҳқон) хўжаликларига хизмат кўрсатадиган моддий таъминотчи базалар, таъмирлаш устахоналари ривожланмаганлиги уларнинг келажакдаги равнақини хавф остига қўймоқда. Фермер (деҳқон) хўжаликлари раҳбарлари ўртасида тарқатилган анкета саволларига олинган жавобларда бу фикр ўз аксини топди.

Эндиликда фермер (деҳқон) хўжаликлари учун илмий-иқтисодий тарғибот ва ахборот марказини барпо этиш масаласи ҳал қилиниши лозим. Чунки фермерлар ўзларининг бор билими, иш тажрибалари ва кучларига таянган ҳолда иш олиб борадилар. Бу ҳол уларнинг фақат оддий жиҳозлар ва содда усуллар билан, қўл меҳнатига таянган ҳолда иш олиб боришларига сабаб бўлади. Лекин келгусида замонавий тижорат ва ишлаб чиқариш тажрибаларини тарғибот қиладиган ахборот марказларининг ёрдамисиз улар тараққиётини таъминлаш қийин. Бизнинг фикримизча, бундай марказлар ширкат шаклида ёки мавжуд тузилмалар қошида ташкил қилинмоғи лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фермер (деҳқон) хўжаликлари олдида турган катта муаммолардан бири — уларни зотдор қорамоллар билан таъминлаш. Ҳозир бозордан маҳсулдор молларни топиш қийин. Иккинчидан, нархи жуда юқори. Шу туфайли республикамиз ҳудудидаги жамоа ва давлат хўжаликларига ҳар йили бошқа томонлардан зотдор қорамоллар олиб келинади. Бу молларга етарли даражада эътибор берилмаслиги сабабли уларнинг кўпи нобуд бўлади. Фермер (деҳқон) хўжаликларига ана шу қорамолларнинг бир қисми берилиши керак. Шу билан бирга жамоа ва давлат хўжалигидаги зарар билан ишлаётган фермаларни уларга ўтказиш ёки кичик корхоналарга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда фермер (деҳқон) хўжаликлари асосан жамоа ва деҳқон хўжаликлар ёрдамида фаолият юритмоқдалар. Лекин улар орасидаги зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда. Боз устига аҳоли зич жойлашган қишлоқларда фермерларга бўлган муносабат ҳам яхши эмас. Агар ҳар бир оила ва ишчини ўзи хоҳлаган, бажаришга кучи етадиган ишни бажаришга имконият яратилмас экан, муаммолар ечимсиз қолаверади. Бу аҳвол жойларда қўшимча иш ўринларини кўпайтиришни тақазо этмоқда.

Маълумки фермерлар билан жамоа ва давлат хўжаликлари ўртасида тузилган шартномага биноан уларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларига тўла эгалик қилиш ҳуқуқи чегараланиб қўйилган. Фермер хўжалиги келгусида тўлақонли эркин товар ишлаб чиқарувчи бўлмоғи, ўз товарларини кимошди савдоси билан сотиш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

Равшан КАМОЛОВ,
иқтисод фанлари номзоди.



● **БЕКОБОД** районининг алоқа бўлими махсус бинода жойлашган. Бу ерда почта, телеграф ва телефон коммутатори ва 9000 номерли автомат телефон станцияси иш олиб боради. Шаҳар аҳли шу ердан собиқ иттифоқнинг жуда кўплаб шаҳарлари билан алоқа қилишлари мумкин. Станцияда тажрибали мутахассислар ишлашади. Шу боис алоқа ишларида узилиш бўлмаяпти.

СУРАТДА: навбатчи техник Субхон Камолов ва алоқа бўлими бошлиғи Собиржон Жўрабоев иш устида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

• *Меҳр-мурувват кунда керак* •

ҚОН БЕРИБ ЖОН АСРАЙДИ

Қишнинг аёзли палласи. Ташқарида совуқ ўз ҳукмини ўтказади. Аммо сокинлик ичида ётган қишлоқ ҳонадонларининг бирида безовталик. Бу оила бошига кулфат тушган, муштипар онанинг якка-ю ягона жигаргўшаси оғир аҳволда. Она юраги ёнади. Ҳали икки чақирим наридаги қишлоққа чопса, ҳали район соғлиқни сақлаш бўлимига нажот истаб киради. Ўғлининг ҳаётини сақлаб қолмоқ учун «тирик дори» — қон керак. Шифохонада эса ўша нарса йўқ...

Телефоннинг бемаврид жиринглаши Раҳматулло акани безовта қилди. Гўшакдан ҳамширанинг саросима аралаш овози эшитилди:

— Раҳматулло ака, бола... оғир аҳволда... Қон керак!..

Шубҳасиз, онаизорнинг умид учқунлари бўлган ҳамширанинг бу сафарги қўнғироғи ҳам зое кетмади. Чунки бу сингари воқеалар Р. Хурсанов ҳаётида тез-тез содир бўлиб туради. Бу саҳийқалб инсонни бойсунликлар жуда яхши танишади. У қон бериб кўп жонларни асраган. Уни район шифохонаси донорлик бўлимидагилар ҳам эҳтиром билан тилга олишади. У — врач, шу шифохонада ишлаш билан бирга узоқ йиллардан буён донорлик қилади. Нафақат у, оиласининг бошқа аъзолари: акаси Фатхулло, укалари Нажмиддин ва Аҳмад ҳамда сингляси Ҳолбибилар ҳам узоқ йиллардан бери донорлик билан шуғулланишади.

Бу оиланинг меҳр-муруввати боис 26 ёшли келинчак Гулсара Аҳмедова, катта бир оила бошлиғи Бўри Жабборов, талаба Равшан Назаров ва яна кўплаб хаста кишилар ўлим чангалидан асраб қолинди.

Диққат қилинг-а: Хурсановлар оила аъзоларидан ҳар бири шу кунгача хасталарга 45—50 литрдан қон берган.

Сир эмас, сўнгги пайтларда республикамизда донорлар фаолияти бирмунча сусайди. Районлар шифохоналарида Республика соғлиқни сақлаш марказига «Қон етишмаяпти» деган ташвишли хабарлар оқими кўпайди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Масалан, ижтимоий-иқтисодий танқислик бир сабаби бўлса, яна бир сабаб—кўплаб ташкилот раҳбарлари иш вақтида донорларнинг қон топширишига рухсат беришмайди. Ёки тиббиётдаги носоғлом муҳит — СПИД, тиббий игналарнинг тозалигига бўлган шубҳа ва ваҳмлар донорлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Бойсундан 50 га яқин доимий ва 200 га яқин кишилар вақтли донорлик фаолияти билан шуғулланяптилар.

Агар республикадаги бу сингари сахийқалб одамлар мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантириб борилса, шифохоналардаги тирик дорига бўлган эҳтиёж кўпроқ қондирилган бўлармиди...

О. БУРИЕВ.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Чортоқ районида уч кўтармали улкан насос станцияси қурилмоқда. Унинг умумий смета қиймати 50 миллион сўмдан ортади. Иншоот Ҳамид Олимжон номидаги давлат хўжалиги, «Дўстлик» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари ҳудудида қад кўтаряпти. Станция сувни 510 метр баландликка чиқариб, уни диаметри 1400 ва 1200 миллиметрли металл қувурлар ҳамда темир-бетон ариқлар орқали 13 километрдан кўпроқ масофага етказиб беради.

— Ерларимизнинг 65 фоизи адирлардир. Уларни сувга сероб қилиш аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, — дейди район ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Муродов. — Станциянинг ҳар секундда 2,5 куб метр сув чиқариб берадиган биринчи навбати ҳозирдаёқ ишга туширилди. Қурилиш тўла тугаллангач, салкам 1300 гектар майдонда сув таъминоти яхшиланади, 1500 гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Уларда мева, узум, сабзавот ва озуқа экинлари етиштирилади. Шунинг ҳисобига ҳар йили ўн икки миллион сўмдан зиёд қўшимча даромад олинади.

Насос станциясини «Наманганводстрой» трести механизациялашган кўчма колонналарининг қурувчилари бунёд этишаяпти.

(ЎзА мухбири).

• *Парламент хабарлари* •

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ПИШИТИЛМОҚДА

Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг таълим ҳақидаги қонуни лойиҳаси қайта ишлашга тавсия этилганлиги кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ишчи гуруҳи билдирилган таклифлар, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, ҳужжатнинг янги нусхасини тайёрлади. Куни кеча Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш комитети аъзоларидан бир гуруҳи ана шу масала бўйича турли вилоятларга жўнаб кетишди. Улар район ва шаҳарларда бўлиб халқ депутатлари ва халқ таълими ходимлари билан биргаликда лойиҳанинг тегишли бандларини кўриб чиқиб, атрофлича муҳокама этадилар. Лозим бўлган тақдирда ҳужжатни янги мажмуалар билан бойитадилар.

Шунингдек, Олий Кенгашнинг ушбу комитети «Ўзбекистон Республикасида фан ва илмий-техника сиёсати тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида маданий меросни асраш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ҳам тайёрлашга киришди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Бозор иқтисодиёти амал қила бошлаши муносабати билан кейинги йилларда нечоғлик қонунлар қабул қилинмади, дейсиз. Мулк ҳақидаги, тадбиркорлик, солиқлар, аҳолини иш билан таъминлаш, хўжалик ширкатлари, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги қонунлар ана шулар жумласидандир. Бу мажмуалар қанча-қанча фуқарою ишбилармонларни муҳофаза қилишга ёрдамлашиши шубҳасиз. Хўш, унда истеъмолчиларнинг ҳақ ҳуқуқини ким ҳимоя қилади? Улар фаолиятини кафолатлайдиган ҳужжат ҳам яратиладими?

Ана шу муҳим эҳтиёж инобатга олинди. Олий Кенгашнинг саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизматлар кўрсатиш ва савдо комитети «Ўзбекистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашга киришди. Бунинг учун Тошкент техника дорилфунуни ректори муовини М. Абдусаломов бошчилигида ишчи гуруҳи тузилиб, унга қонун лойиҳаси мавзуига тааллуқли вазирликлар, маҳкама ва муассасалар мутахассислари жалб этилди.

С. МУҲИДДИНОВ.

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ ҲАЛҚАРО КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ҚУЁШ

БОЛАЛАР бадиий ижодиёти жумҳурият марказида болаларни ҳимоялаш халқаро кунига бағишлаб ўтказилган хайрия байрами карнай-сурнайлар садоси билан бошланди. Байрамга шаҳар ҳокимияти, болалар жамғармаси шаҳар бўлими, диний муассаса вакиллари ташриф буюрдилар. Тошкент вилояти ҳамда пойтахтдаги ногирон болалар уйларининг тарбияланувчи ва тарбиячилари байрамнинг азиз меҳмони бўлишди.

Болалар бадиий ижодиёти жумҳурият марказининг директори С. Шодиева байрам тантаналарини очиқ деб эълон қилгач, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев меҳмонларни болалар чизган расмлар кўргазмасини томоша қилишга таклиф этди.

Байрам тантаналари давомида кўргазмага қўйилган энг яхши расмларнинг муаллифларига ғолиблик совринлари, меҳмон болаларга совға-саломлар улашилди.

С. ЙЎЛДОШ.

РАЙОН ИХТИЁРИГА

АЗКАМАР гил кони йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қизилтепа районига бўйсунувчи махсус кичик корхона сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Шунингдек, Тўдакўл сув омбори балиқчилик хўжалиги ҳам район тасарруфига ўтказиладиган бўлди. Энди юзлаб кишилар иш билан таъминланса-лар ажаб эмас.

Б. ЭГАМОВ.

ЯЙЛОВЛАРДА ТЎЙ

КОНИМЕХДА ҳар йили нишонланадиган чўпон тўйи узоқ-яқиндан келадиган меҳмонлар билан ўтади. Бу сафарги чўпон тўйи нуроталик, навоийлик, учқудуқлик, томдилик чорвадорлар билан бир қаторда қўшни Қозоғистон, Туркманистон жумҳуриятларидан келган меҳмонлар билан гавжумлашди.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналари бўлгани каби қозоқ қардошларимиз ўзларининг бор маҳоратларини ишга солдилар. Чўл узра дўмбира садолари янгради. Оқинлар айтишуви бошланди. Қиз қувди, чавандозлар мусобақаси кун бўйи давом этди.

Яқин вақтларгача дабдабабозлик деб қараган байрам яна яйловларга қайтди. Ҳамон пролетар кайфиятда бўлган айрим кишилар бундан норози бўлишди ҳам. Йил-ўн икки ой тиним билмайдиган чўпон лоақал бир кун бола-чақаси билан ўйнаб-кулишга ҳаққи борку, ахир.

М. МАҲМУД.

БИРЖАЛАР БОЗОРИ ЧАҚҚОНМИ?

«Экологическая газета» ва «Тошкент» биржаси ташаббуси билан давра суҳбати уюштирилди. МДҲ давлатларида чоп этилаётган газеталарнинг ходимлари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари уюшмаси раҳбарлари, Ўзбекистон биржалари вакиллари қатнашдилар.

МДҲ мамлакатларида тадбиркорликнинг ҳозирги ҳолатидаги қонунчилик ва ҳуқуқийлик, биржа савдосини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарган соҳа мутасаддилари, етакчи мутахассислар биржалар ишини ташвиқ қилиш қониқарли эмаслигини таъкидлашди.

И. ТОШЕВ.

САВДОНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Пайариқ районидаги Киров номли жамоа хўжалигида қарийб 30 та савдо шохобчаси мавжуд. Бу дўконларда моллар ҳар хил нархда сотилади. Бозор иқтисодиёти талаби шундаймми ёки... Буни ойдинлаштириш керак.

Худди шаҳарда бўлгани каби қишлоқларда ҳам аҳолига белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари талон орқали сотилаётгани маъқул. Бироқ бизда киши бошига 300 граммдан шакар, гуруч берилмоқда. Ваҳоланки, талонда ҳар иккиси 800 граммдан кўрсатилган. Сариёғ ва пахта мойини эса умуман кўрмаймиз.

Савдодаги бундай ўзибўларчиликни ким назорат қилади? Аҳвол шундай давом этаверса, аҳолининг турмуши қандай кечади?

Я. НУРИДДИНОВ.

* * *

Мен «Халқ сўзи» рўзномасини мунтазам ўқиб бораман. Яқинда унда эълон қилинган «Савдода махфия борми?» сарлавҳали мақолага кўзим тушиб қолди. Албатта, бор-да! Бўлмаса, нима учун бу соҳада ўзгариш сезилмаяпти? Савдо ходимига нега жиддийроқ жазо берилмайди? Раҳбариятнинг қўлидан келадигани шу: ё унга хайфсан эълон қилинади, ё бир дўкондан иккинчисига ўтказиб юборишади.

Фикримнинг далили сифатида мисол келтирмоқчиман. Тошкентнинг Фрунзе туманидаги 5-дўконда талонда белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти ҳеч қачон бўлмайди. Лекин сотувчилар харидорларга қўл қўйдириб олишни унутмайдилар. Аъло навли ун, гуруч ва чой қаерга кетаяпти — бунинг сирсиноати эса номаълум. Биз тегишли ташкилотларга бир неча бор арз қилсакда, савдо ходимлари бемалол ишлаб юрибдилар. Ахир бу соҳада барибир тартиб бўлиши керак-ку?!

Э. ИБРОҲИМОВ.

АҲОЛИ ТАЛАБИ

Илгари Жанубдан (Қашқадарёдан) келадиган поездлар Ульянов, Зарбдор, Ховос, Янгиер, Гулистон ва Сирдарё бекатлари орқали Тошкент тарафга юрар эди. Эндиликда бу қатнов таъқиқлаб қўйилди. Сабаби нима? Вақтни тежаш зарурми ёки аҳолига хизмат кўрсатишми? Поездларни аҳолиси кам чўл зонасидан ўтказишдан муддао нима?

Сирдарё, Гулистон, Янгиер шаҳри аҳолиси Қашқадарё, Термиз, Бухорога бормоқчи бўлса, автобусда юзлаб километр йўл босиб Тошкентга келиши ёки Жиззахга бориши шарт, акс ҳолда жанубдаги қариндошуруғларникига бориши амри маҳол. Айниқса, ҳозирги кунда автобуслар қатнови ҳам ачинарли аҳволда. Мана шу шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳолининг норозилиги ўринли эмасми? Ўрта Осиё темир йўллар раҳбарияти буни ҳисобга олмаётир, талабларни эшитишни истамаётир.

Тошкентдан келадиган электр поездлар ҳам Чиноз бекатигача юради. Сирдарё ёки Гулистон бекатигача юришини ташкил этиш қийинми? Ёки бу электропоездлар фақат Тошкент вилоятига қарашлими? Ахир, аҳоли Гулистон ва Сирдарёдан Тошкентга кўп қатнайди-ку?! Тошкентдан Гулистонга минглаб студентлар келиб кетишади, анчагина кишилар ишга боришади. Ҳозирги вақтда Тошкент — Ховос оралиғида электропоезд фақат икки маҳал қатнайди, холос. Тўрт марта қатновни йўлга қўйиш мумкин эмасми?

Халқнинг талаби, истаги қачон ўрганилади?

Б. ТУРДИЕВ.

НОЧОР ЙЎЛОВЧИЛАР

Одатда, шаҳар ҳаётига бекатлардаги тартибга қараб баҳо беришади. Қамаши шаҳар бекатини кузатаётиб шу фикр хаёлимдан ўтди. Атроф ҳар хил ташландиқ нарсалар билан тўлиб кетган. Бу ер каттагина шаҳар остонасига эмас, балки ахлат ташланадиган жойга ўхшайди. Ўтириб дам оладиган жой деярли йўқ. Ёмғир, қордан жон сақлашга имкон кўринмайди. Бекатда одам кўп. Ҳамма манзилига тезроқ етиб олиш ғамида бетоқат.

Кекса йўловчининг фиғони фалакка чиқди:

— Бу ерда ҳар доим шундай аҳвол. Бензин етишмайди, деб автобусларни тўхтатиб қўйишади. Мен йигирма чақирим нарида яшайман. Ноҳия марказига дўхтирга бир амаллаб етиб келдим. Икки-уч соатдан бери автобус кутаяпман. Қош қорайгунча уйга етиб оламанми-йўқми, худо билади. Касал холимга йўл юриб аҳволим баттар оғирлашди. Дардимни кимга айтай?

Отахоннинг гапи тўғри. Йўловчилар орасида болали аёллар, кексалар анчагина. Улар ўттиз-қирқ чақирим йўлни пиёда босишлари ёки оғзига сиққанини айтаётган енгил машина эгаларига инсоф тилашлари керак. Мутасадди раҳбарларнинг кўчада қолиб кетганлар билан иши йўқ. Ноҳия йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида жуда қолоқ. Ижобий томонга силжиш сезилмайди. Аҳоли норозилигининг ортиб бораётганлиги раҳбарларда масъулият ҳиссини уйғотса, ажаб эмас.

Йўл азоби — гўр азоби дейишади. Беш-олти чақирим жойга бориш учун уч-тўрт соатлаб йўлда сарғайиб, диққат бўлиб ўтирсак, шу инсофданми?

Р. МЕНГИРОВ,
Қамаши райони.

БИЗ ЎГАЙМИЗМИ?

Ноҳиямизга ўтган йили табиий газ келтирилган эди. Бир йилдан бери фақат район марказидаги маҳалла ва кўчалар газлаштирилди. Иш шу зайлда кетаверса, қишлоқларимиз 2000 йилда ҳам тўлиқ газлаштирилмайди.

Тўғри, бу иш учун катта маблағ зарур бўлади. Район иқтисодий жиҳатдан унча бақувват ҳам эмас. Ҳар ҳолда «қимирлаган қир ошар» деган нақл бор. Ҳаракат қилинса, уддаласа бўладиган иш. Райондаги Карл Маркс, Коммунист, Москва, Гулистон, Ленин, Партсъезд ва Ўзбекистон каби жамоа хўжаликлари хонадонлари кўчма балонли газ билан таъминланади. Лекин шу ҳам ўз вақтида етказиб берилмайди ёки олғирлар қўлига тушиб қолиб бўлади. Келтирилганлари ҳам чала тўлдирилган бўлади, катта рўзғорларга 3—4 кунгагина етади. Қишлоқда ёқилғисиз яшаш жуда қийин. Ғўзапоя ҳам жон бошига тақсимланади, лекин қишга етмайди.

Ўзбекистон халқ депутати О. Маматова Янгиқўрғон қишлоқ сайлов округида, сайловолди йиғилишида қишлоқларимизни газлаштириш ҳақида катта-катта ваъдалар бериб, ўз дастурини халққа эълон қилган эди. Қани ўша ваъдалар? Табиий газ билан таъминлаш у ёқда турсин, ташиб келтириладиган газ баллонига ҳам ёлчитишмаяпти. Ёки Республика Президентининг «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги фармони бизнинг ноҳиямизга тегишли эмасми?

Қ. ТУЙМАЕВ,
Оқдарё район, Ойтамғали қишлоғи.

Мактубларда эл дарди

ОЛТИ КИШИ БИЛГАН СИР

ЕКИ «БОЙЛАР...» ҚАЧОНГАЧА ЙИҒЛАЙДИ

Одесса яқинидаги қишлоқда яшайдиган бир мўйсафид Марианнанинг муҳаббат можаролари қандай тугашини аниқ айтиб берган одамга ўз бойликларини мерос қолдиришини маълум қилди. Россиянинг бир жойида сигирларнинг сути кескин камайиб кетди. Сабаби: молбоқарлар, соғувчилар «Бойлар»га қўшилиб йиғлайвериб, изтироб чекавериб ўзларини боқиб турган ҳайвонларни ҳам унутиб қўйишаяпти. Лекин... шунга қарамай, миллионлаб одамларни қизиқтирган бу ғаройиб сирни ҳозирча фақат олти киши билади. Ўша бахтиёрлар ким?

«Бойлар ҳам йиғлайди» телевизион бадиий фильмини рус тилига ўгиришда иштирок этган (Марианна ҳамда Эстерга овоз берган) «Эрмитаж» театрининг артисткаси Людмила Ильинанинг айтишича, булар олти киши — тўрт артист ва икки техник ходим.

Фильм Москвага 60-сериядан келтирилган ва ҳатто тартибли, изчил ҳам эмас. Масалан, аввал хотима қисми, кейин ўрталари...

Ҳозир томошабинлар бу фильмнинг ҳар куни кўрсатилиб, тезроқ ниҳоясига етказилишини жуда хоҳлайдилар. Сиёсий сафсаталардан, тирикчилик ғаму ташвишларидан, тўрт томондан оқиб келаётган турли нотинч хабарлардан асаблари таранглашган томошабинларни тушуниш мумкин. Аммо бадиий фильмни яратган мексикалик артистларга ҳам осон бўлмаган экан. «Бойлар»нинг ҳар серияси бир ҳафтада суратга тушириллгани ҳисобга олинса, Марианнаю Луис Альбертонинг чигал ишқий савдолари атрофида кино иштирокчилари 5 йил қаттиқ банд бўлганлар. Ҳатто Луис Альбертонинг чаккаларидаги сочлари оқариб кетган. Ишнинг охирларига бориб айрим санъаткорлар қулоқлари орқасига кичкина микрофон тақиб олганлар. Чунки фильм тексти ёдларидан чиқиб, режиссёр уни эсга солиб турган.

Марианнага зиён-заҳмат етмайдими? Эстер қачонгача асабларни эговлайди? — каби саволлар кексаю ёшларнинг кўнглини ҳеч тарк этмаяпти.

Людмила Ильинанинг айтишича, бадиий фильм икки воқеаликдан иборат бўлиб, биринчиси 141-серияда тугайди. Шу ерга келганда барча адолатсизликлар ўз жазосини топади.

Кейин янги саргузаштлар бошланади. Эски қаҳрамонлардан Марианна, Луис Альберто ва хизматкор Мария қолади. Қашшоқлар қўшилади. Хурсандчиликдан кўра изтироблар мўлроқ бўлади... — деб ёзади «Комсомольская правда» рўзномаси.

Ҳозир «Бойлар...»нинг юздан ортиқ серияси намойиш этилди. Хуллас, улар йил охиригача йиғлашса, ажабмас. Биз сизларни турли рўзнома ва оммавий ахборот воситалари орқали маълум бўлажак янги сирлардан воқиф этиб туриш ниятидамиз.



КЕЧИР, БАҲОР!



Биз чўл ҳақида илк ижобий тасаввурни Абдулла Ориповдан олганмиз:

Лекин унинг баҳори, о сен,
чўллар баҳори,
Соғинтирган онамнинг дийдори
сендай ширин.
Эрта кун қовжираштан бўлса ҳам
дилда зори,
Лола каби хандону тубда
доғи яширин.
Оёқланган қўзидай довдирар
елда майса,
Кўм-кўк мовий осмонда кезиб
юрар оқ булут.
Тўрт тараф қисиб келиб,
ногаҳон жала қуйса,
Оламга аниқиб кетар минг хил
кўкат, минг хил ўт...

Кейин Чингиз Айтматовни ўқидик. Сариўзак чўллари, унинг бир лаҳзалик баҳори, шу-шу қалбимизга муҳрланиб қолди.

Одам Оллоҳ берган расо унсурлари билан нечоғлик оддий бўлгани каби, чўллар ҳам саксовулию ўт-ўланлари, бағрида ўтлаб юрган туя ва қўй-қўзилари билан табиийдир.

Чўлларда кенглик бор. Чўл одамлари ҳам чўлларидай кенг феъл бўлишган. Қозоқ оқинларини шунинг учун ҳам эрмак учун тинглаб бўлмайди. Унинг ҳар бир оҳанги, куйи киши руҳини кенгликка етаклайди: майда-чуйда ғуборлардан форғ қилади. У куйларда қозоқ, қирғиз халқларининг ўзлиги мужассам. Зеро, бу куйлар ҳали уларнинг нене авлодларини, инсониятнинг бир-бирини бошига соладиган кулфатларидан асрайди...

Энди пастга қаранг.

Бу чўллар ўзимизнинг чўллар эди. Бу ерлардан кечагина жониворлар озуқа топар; у Оллоҳ ато қилган «уй» эди. Биз бугун ўшапарнинг ризқига ҳам чанг солдик.

Яқинда суратқаш дўстимиз Жумамурод Мирзаев билан Қизилқум яйловларини айланиб келдик. Конимех районига қарашли «Октябрь 40 йиллиги» давлат хўжалигида бўлдик.

— Эсимни таниганимдан бери аҳвол шу, — дея гап бошлади хўжалик директори Муродбой оға. — Шу пайтгача геологлар нима қидиришади, билмайман. Хўжалигимизда ковланмаган яйлов қолмади, ҳисоб. Энди Қизилқумнинг ҳар бир қарич ерини асрашимиз керак эмасми! Мана бу уйларни кўраяпсизларми! Улар шу ерда беш-олти йил истиқомат қилишган. Кетар чоғларида бузиб кетишган. Мана бу вишкани сўрайдиган одам йўқ.

Биз ўша куни хўжалик директори билан хўп айландик. Айни баҳор бўлишига қарамай бир гиёҳ ўсмаган яйловларни кўрдик. Ҳадемай бу ерларда чанг-тўзон кўтарилади. Қум кўчкилари бошланади. Бир вақтлар яхши ният билан экилган саксовулзорлар аллақачон пайҳон қилинган. Энди билсак, ўша саксовулзорлар Қизилқумда мувозанатни сақлаб турувчи таянч нуқталари экан. Таянч нуқталари йўқолгач, ҳаёт нима билан якун топишини Архимед бобо 6-синфдан бери ўқитиб келади.

Қизилқум яйловларидан армон билан қайтдик. Биз, табиатнинг сўлим гўшаларини кўрамиз деб ният қилгандик. Афсус, баҳор бу ерларга кўпдан бери келмай қўйибди. Энди сени қаерлардан излаймиз, баҳор! Ўзлигини унутган фарзандларингни кечир, баҳор!

Маҳмуд МАРДИ,
Исмат ХУДОЁР.

• *Долзарб мавзуда* •

ЭНДИ ЎЙЛАШИБ ҚОИДА БУЗИШАДИ

УЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ШУ ЙИЛ 1 ИЮНДАН КУЧГА КИРДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН МУХБИРИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АВТОМОБИЛ НАЗОРАТИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ АҲМАДЖОН ЭРКАБОЕВДАН ЯНГИ ҚОНУННИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИНИ ШАРҲЛАБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.

— Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди деганларидек, ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бинобарин, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини мукаммаллаштириш заруратини ҳам жиддий сабаблар тақозо этган, шундай эмасми!

— Албатта, қонунлар худа-беҳуда ўзгартирилавермайди. Давр тақозоси билан бундан роппа-роса уч йил муқаддам ҳайдовчилик гувоҳномасига огоҳлантириш талони бекор қилиниб, интизомсиз ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидаси бузилган жойнинг ўзида жарима солиш тартиби жорий этилган эди. Ўшандан буён ўтган давр мобайнидаги вазиятга назар солсак, бу тадбир ўзини оқламай, қоидабузарлик беҳад кўпайиб кетганлигини кўрамиз. Айниқса, кейинги икки йилдан бери давом этиб келаётган иқтисодий таназзул пулнинг бутунлай қадрсизланишига олиб келди. Шундай шароитда ҳайдовчига маъмурий жазо сифатида солинадиган 10 сўм жариманинг қиймати нима бўларди дейсиз. Ашаддий қоидабузарларни кўйиб турайлик, бундай юмшоқ жазо оқибатида анчагина тартибли ҳайдовчилар ҳам йўл ҳаракати қоидаларини писанд қилмай қўйдилар.

Бундан ташқари, йўл-транспорт ҳаракати қоидаларининг кўпол равишда бузилиши умумий жиноятчиликнинг кўпайишига ҳисса бўлиб қўшилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Ана шу жиҳатлардан қараганда йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартиришлар киритиб, уни такомиллаштириш давр талаби эди. Умуман, ҳайдовчини қоидабузарликдан қайтара олмайдиган жазони жазо деб бўлмайди.

— Агар менга қолса маст ҳолда машина ҳайдашни йўл ҳаракати қоидасини бузиш эмас, жиноят дея атаган бўлур эдим. Кўпчиликнинг фикри шундай. Янги қонунда бу ҳаракат қандай жазоланади.

— Ҳақиқатан ҳам йўл-транспорт ҳаракати чоғида бундан оғир қоидабузарлик бўлмайди. Янги қонун бўйича маст ҳолда машина ҳайдаганлар жиддий жазоланадилар. Бундан буён маст ҳайдовчиларга 1000 сўмдан 2000 сўмгача жарима солинади ёки мастлик даражасига қараб бир йилдан 3 йилгача муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, айрим шахслар ҳайдовчилик гувоҳномалари йўқлиги етмагандек, устига-устак ичиб машина ҳайдайдилар. Энди давлат қонун-қоидаларини менсимайдиган бундай шахслар ҳам 2000 сўм миқдорда жарима билан жазоланадилар.

Янги қонунга киритилган яна бир қўшимча борки, у моҳияти жиҳатидан жуда ўринли ва айни муддао бўлган: бундан буён гиёҳванд модда ёки кайф қилдирувчи хапдорилар истеъмол қилганлар ҳам шу сингари жавобгарликка тортиладилар.

— Аҳмаджон Эркабоевич, оқибати аянчли бўлаётган яна бир қоидабузарлик борки, уни ҳам жиноятлар қаторига қўшиш мумкин. Темирйўлларни кесиб ўтиш пайтида интизомсиз ҳайдовчи қоидани бузади-да, бир неча, баъзан ўнлаб беайб йўловчилар жабрини тортиб, ҳаётдан бевақт кўз юмадилар ёки бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қоладилар...

— Бундай нохуш ҳоллар янги қонунда ҳисобга олинган. Темирйўлдан ўтиш жойида қоидани бузганлик учун 100 сўмдан 200 сўмгача жарима солинади ёки 6 ойдан бир йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Айнан шундай қоидабузарлик бир йил мобайнида такрор содир этилса жарима миқдори 200 сўмдан 300 сўмгача оширилади, транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддати ҳам икки баробар узайтирилади.

Шундай бесабр, беадаб ҳайдовчилар борки, улар темирйўлни белгиланмаган жойлардан ҳам кесиб ўтаверадилар. Бундай тартиббузарлар ҳам 200 сўмдан 300 сўмгача жарима тўлайдилар.

— Кейинги пайтларда оммавий тус олган умумий қоидабузарлик ҳам бор, бу йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликдир. Жазоси енгил бўлса керакки, кўпчилик писанд қилмайди. Аммо шу оддий интизомсизлик жамики аварияларнинг асосий сабабчисидир. Бинобарин, янги қонун бундай оммавий қоидабузарликка қарши жиддийроқ жазо чораларини белгилаган бўлса керак!

— Тўғри мушоҳада қилдингиз — жазо уч баробардан зиёд кучайтирилди. Илгари қоидабузар 10 сўм жарима тўлаган бўлса, энди 30 сўмдан 50 сўмгача тўлайди. Агар бир хилдаги қоидабузарлик йил давомида такрорланса, жарима миқдори 100 сўмга кўтарилади, ҳайдовчининг ўзи эса йўл ҳаракати қоидаларини қай даражада билишини синаш учун қайта имтиҳон топширишга юборилади. Бордию шундай қоидабузиш йил давомида учинчи марта қайтарилса 200 сўм жарима ундирилади, ёки 6 ойдан бир йил муддатгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

— Шу ўринда «ҳайдовчининг бир йилда бир хил қоидани икки-уч марта бузганлигини аниқлаш масаласига келсак, тартиб шундайки, ҳайдовчидан жарима пулини ундириш билан бирга унинг огоҳлантириш талонига қайси қоидани бузганлиги ёзиб қўйилади. Қўлланиладиган жазо турлари ҳақида эса юқорида айтиб ўтдик.

— Маълумки, ҳар қандай қонуннинг кучи унинг қай даражада одил ва мукаммаллигида...

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим: қонуннинг кучли ва кучсиз жиҳатлари хусусидаги шахсий фикримни билмоқчисиз...

— Шундай.

— Жазо чораларининг кучайтирилгани қонунни, сўзсиз, мукаммаллаштирган. Шу кунгача ҳайдовчилар «қоида бузиб қўлга тушсам арзимаган жарима билан қутилиб кетавераман-да», деб йўл ҳаракти қоидаларини писанд қилмай қўйган эдилар. Ҳозирги иқтисодий шароитда эса ҳамма ҳам хотамтойлик қилавермаса керак. Ҳар ҳолда кўпчиликнинг ўйлаброқ ҳаракат қилиши, яъни айтиш мумкинки, қоидабузарликнинг камайиши аниқ.

Қонуннинг кучсиз томонларига келсак, бу жиҳатлари ҳам оз эмас. Масалан, айтайлик, қоидани бузган ҳайдовчидан жарима ундириш учун қайднома ёзилади ва тегишли тартиб бўйича ҳужжатлари олиб қўйилади. Ҳайдовчи қайдномада белгиланган жаримани кассага тўлаб, ҳужжатларини ўзи яшайдиган район Давлат автомобил назорати бўлинмасидан олади. Бу — қанчадан-қанча оворагарчилик дегани.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Фуқарога ҳайдовчилик ҳуқуқини бериш ва уни бундан маҳрум этиш шу пайтгача Давлат автомобил назоратининг вазифаси эди. Энди эса маст бўлиб машина ҳайдаганлар масаласини суд ҳал қиладиган бўлди. Ўйлашимча, бу ҳам кўпдан-кўп ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўлади.

— Аҳмаджон Эркабоевич, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Янги қонуннинг ютуқ ва камчиликларини, яна, вақт кўрсатади.

Энди ҳайдовчининг бир йилда бир хил қоидани икки-уч марта бузганлигини аниқлаш масаласига келсак, тартиб шундайки, ҳайдовчидан жарима пулини ундириш билан бирга унинг огоҳлантириш талонига қайси қоидани бузганлиги ёзиб қўйилади. Қўлланиладиган жазо турлари ҳақида эса юқорида айтиб ўтдик.

Суҳбатдош: А. ЙЎЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАЪСИС МАЖЛИСИ

КЕНГАШ ТУЗИЛДИ, НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ

Хотин-қизлар орасида жисмоний тарбия ва спорт ишлари федерациясининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан 50 дан зиёд вакил, вазирликлар ҳамда олий ўқув юртларининг ходимлари қатнашдилар. Йиғилганлар қишлоқ мактабларида ўқувчи қизларнинг спорт машғулотларидаги давомати, бемор болалар ва тиббиёт муассасаларининг уларга муносабати, ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари учун ажратилган вақтдан ноўрин фойдаланилаётгани, спорт майдонларининг камайиб бораётгани каби қатор муаммолар ҳақида фикр юритдилар.

Йиғилиш сўнггида федерация низоми тасдиқланди, кенгаши тузилди. Унга Республика «Оналик ва саломатлик» марказининг бошдиректори К. Қаландарова раис этиб сайланди.

Х. МИРҲОДИЕВ.

МАДАД ЧОПАРИ

Яқинда қайта номланган Зангиота райони меҳнат аҳли табиий офатдан талофат кўрган Бекобод, Оҳангарон, Паркент районларига мадад бериш учун ёрдам фонди ташкил этдилар. Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган шанбаликда ишлаб топилган 400 минг сўм маблағ шу фондга ўтказилди. «Наврўз» ва «Эркин» жамоа хўжаликлари эса 85 минг сўм пулни жабрдийдаларга ҳайрия қилишди.

Район ишчи ва хизматчилари бир кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига ўтказишга қарор қилдилар. Яқинда шанбалик уюштирилиб, тушган маблағ ёрдам фондига ўтказилди.

М. НАЗАР.
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Қалам учида алам* •

БАЛОДАН—ҲАЗАР

ВИДОЛАШУВ

Онанинг чеҳрасида изтироб, лабларида титроқ. Кўзларидан ёш қуйилади. Нури дийдасини тинчлантиришга интилади. Гоҳ тили калимага келмай, юрагидан чиқаётган садо бўғзига тиқилади. Гоҳ ўзига келиб: «Фароғатжоним, дардингни олай, болажоним! Тинчлан, болам! Ҳозир ўтиб кетади, ҳозир яхши бўлади!», — деганча таскин беришга уринади. Боласи... гоҳ ўз муштипарини итаради, ўзини четга отади, гоҳ кўкракларига чанг солади, кўйлакларини йиртади. Ўз меҳрибонини бурдалаб ташлагудек... Оғзини катта очиб онасининг танига тишларини санчиб бутун қаҳрини, нафратини сочади...

Ё тавба, бу не кўргулликким, эндигина 6 ёшни қоралаётган қизалоқнинг кўзлари меҳрли эмас, қонсирайди. Бу не қисмат ёки дардки, бир мурғак жонни шу қадар жабрласа...

Шифокорлар Фароғатга укол қилишди. Қизалоқнинг ҳаракатлари секинлаша борди ва кўп ўтмай уйқуга кетди. Онаси эса бошида парвона. Ўз танидаги шилинган, қон оқаётган жойларга бепарво. Боласини силаб-сийпалаб эркалайди, далда бериш илинжида гапирганларга жавобан: «Нима бўлса ҳам болам соғайса, омон қолса бўлгани. Илтимос, ёрдам беринглар. Ҳаётини сақлаб қолинглар. Қон керак бўлса, — майли қон берай, жон керак бўлса, — майлига, жонимни...»

Ёш жувоннинг, кўзлари киртайиб кетган онанинг фиғонига дош беролмай нари кетдим. Бир ўриндиққа жойлашдим, суҳбатлашиб келаётган икки йигит ёнимга ўтирди. Улар қизалоқнинг яқин қариндошлари экан. Тасалли беришга интилдим.

Дард — ўткинчи, ажабмас тез орада соғайиб, кўрмагандай бўлиб кетса...

— Қанийди... майли, тақдир экан-да. Укамизнинг биттагина боласи, эркачасийди...

Қизалоқнинг жон беришига 2 соатча қолганини шифокорлардан эшитгандим. Улар ҳам хабардор экан.

— Қўйинглар, ундай деманглар. Яхши ният қилсаларинг-чи!

— Эскичасигаям, замонавийчасигаям қаратдик. Қутурганни даволаб бўлмас экан.

— Жиянингизни ит қопганидан бехабар қолдингларми? — деб сўрадим.

— Қишлоғимиздаги бир бола уйга келиб: «Қизингизни битта кучукча тишлади, дўхтирга қаратинглар. У касал кучукка ўхшайди, оғзидан сўлаклари оқаётганди», депти. Келин қизчасини кўрган. Ҳеч қаерида тишланган, қонаган жойини топмаган. Оёғининг сонидаги тилинган жойини кўриб йиқилган деб индамай қўяверган. Мана, икки ой ўтмай фожиа юз берди. Касал кўрдига келган қариндошларнинг 30 тачаси ҳозир укол олаяпти. Биза-ку майли, қийналиб бўлсаям уколдан қутиламиз. Лекин хотинимнинг қорнида боласи бор. Укол олиши мумкинмас экан... Жиянимиз унинг ҳам юзидану елкаларидан тишлаган...

ҚУРҚИНЧ

Фароғатли кунларга етмай кетган Фароғат. Дунёнинг ёруглигинигина кўриб, ундаги ҳаётни кўролмаган, бир гули ҳам очилмаган Фароғат...

Самарқанд шаҳридаги юқумли касалликлар шифохонасида кўрганим — бу мудҳиш воқеа на тушумда, на ҳушимда кўз ўнгимдан нари кетади.

Қайсидир кинода иту мушукларни тўр қопда тутиш билан шуғулланувчиларни кўрсатишганди. Ўзимизда бу ишлар билан Коммунал хўжалик вазирлигига қарашли ит тутиш бригадалари шуғулланар экан. Вазирлик ходими Мухлис Муҳиддинов билан суҳбатлашдим:

— Майли, қисқача гапириб берай: Ит тутиш бригадаси 1980 йилгача Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли эди. Кимдандир фикр чиқди-ю, бизга юкланди. Ахир бу соҳада бирор мутахассисимиз бўлмаса, иту мушукларнинг касал-соғлигини билмасак. Шарт-шароитни-ку, қўяверинг. Бирорта талаб даражасидаги двор (иту мушуклар қамаладиган ҳовли) йўқ. Иш куроли ҳам эскичасига — сиртмоқ, тўрқоп ва қоп. Ҳаммаси бўлиб 143 та бригадамиз (деярли ҳар районда биттадан) бор. Штат бўйича 320 та одам ишлаши керак, аммо ҳозир 296 та. Иш қийинлигидан, шароит ночорлигидан ишловчилар сони кун сайин камаяяпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг, на итни тутиш, на тутилганини ушлаб туриш ва на терисини шилиб топшириш учун имконият бор. Шундай ишлаш жуда хавфли бўлса-да амаллашяпти, азаматлар, 1990 йилда 50 мингдан ошиқ. 1991 йилда эса 43 минг 445 та дайди иту мушукни тутишди. Ҳар йили 13—15 мингининг терисини шилиб тайёрлов ташкилотларига топширяпмиз...

ТИББИЁТЧИЛАР АРЗ-ДОДИ

Турли вилоят ва республика санитария эпидемиология станциясидагиларнинг бир нечаси билан суҳбатлашдим. Фикрлар уйқаш. «Биз кимдир ҳайвондан жароҳатланса, ёинки қутурсагина даволаш ҳаракатида бўламиз. Дардни даволашдан кўра олдини олиш осон. Шундай экан, нега бу офатга қарши жиддий чоралар кўрилмаяпти? Бошқа муаммоларимизни-ку қўяверинг, ҳатто одамларни огоҳлантириш мақсадида оддий суратли ташвиқотлар ҳам чиқарилмаяпти. Радио-телевиденнеда ҳам қутуриш касаллиги тўғрисида гап-сўз йўқ. Аслида, таниқли ёзувчи Д. Самойлович айтганидек, «Инсоният дунёга келибдики, қанчадан қанча касалликларни бошдан кечирган, кўрган, аммо қутурган ит тишлаб заҳарланган одамдан ҳам ортиқ қўрқинчли ва даҳшатли касаллик бўлмаса керак».

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲИ:

Қутурган ҳайвон тишлаган одамдаги касалликнинг кечиши уч даврга бўлинади. Биринчисида кўнгли ғаш бўлади. Уйқусизлик бошланади. Иштаҳаси йўқолади. Нафас олиши ва юрак уриши бузилади. Тана ҳарорати кўтарила бошлайди. Иккинчиси қўзғалиш даври ҳисобланади. Унда бемор жуда безовта бўлади. Ютиниши оғирлашади. Ташналикдан қийналади. Сув сўрайди. Пиёлага очкўзлик билан ёпишади. Бироқ сувни кўргач пиёлани жон-жаҳди билан юлиб улоқтиради. Кўзлари чақчая боради. Сувдан, шамолдан, шовқиндан жуда қўрқади. Учинчи, яъни фалажланиш даврида эса оёқлар чала фалаж бўлади. Кейинчалик қўллар фалажланади. Бемор қимирламай ётиб қолади ва асосан мускулларининг фалажланишидан ҳалок бўлади.

ЯНА ЛОҚАЙДЛИКМИ Ё БЕИМОНЛИК

Ҳар қандай организмга қутуриш вируси тушса 12—14 кундан бир йилгача тинч туриши ва кейин таъсир кучи кескин кучая бориши мумкин экан. Бу тинчлик даврида шифокорларга мурожаат этганларни даволаса бўларкан. Аммо касаллик хуружи бошландими, тамом, 10 кунга ҳам бормай жон бераркан. Қутурган одам ёки ҳайвонни даволашга жаҳон медицинаси ҳануз ожизлик қилади. Малҳам бўладиган икки хил дори бор экан. Шулардан 1957 йилдан буён қўлланаётгани дарди оғирроқларга, 1970 йилда чиқарилгани эса енгилроғига қўлланаркан. Биринчисининг таъсир кучи ўткирроқ бўлиш билан бирга 40 фоиз акс таъсир ҳам этаркан, яъни реакция бераркан. 30 йилдан ортиқ қутуриш касаллиги бўйича иш олиб борган Фания Раҳимова бунинг олдини олиш йўлини топибди. Янгиликни илмий текшириш институтида, бир неча ҳайвонда синаб кўришибди. Дорининг умуман салбий таъсири қолмаганига ишонч ҳосил қилингач, масъул юқори ташкилотларга тавсия этиш бошланибди. Шу тарзда 1986 йилдаги ихтиро 1989 йилда собиқ иттифоқнинг давлат ихтирочилик комитети (Госкомизобретений) томонидан тасдиқланибди. Аммо, ихтиро ҳамон амалиётга кўчгани йўқ. Бирдан-бир баҳона: «маблағ йўқ».

Энди қўйидаги рақамлар заминидаги аччиқ ҳақиқатларни чуқур мулоҳаза этсак, бу ихтиронинг қиммати янада ойдинлашади.

1986 йилда Ўзбекистонда 51 минг 681 кишини, 1990 йилда 59 минг 490, 1991 йилда эса 62 мингдан ортиқ одамни ҳайвон тишлаган. Булар ҳам шифокорларга мурожаат этганларгина, холос. Нарх-наво ошмай турган 1990 йили уларни даволаш учун 5,1 миллион сўм ҳаражат қилинган. Эндиликда айрим дори-дармонлар қимматига ҳам топилмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

1990 йилга қадар собиқ иттифоқ аҳолисидан ҳар йили 51—56 нафари қутуриш касаллигидан ўлаётган бўлса, ўшалардан 20—28 таси Ўзбекистон чекига тушган.

Одамларни бу касалликдан муҳофаза этишда илғор мамлакатлар тажрибаси бор. Япония, Ирландия, Исландия, Швейцария, Англия, Австралия каби мамлакатларда бир неча йилдирки, аҳоли орасида қутуриш касаллиги учрамайди. Чунки уларда карантин жорий этилган. Назорат, эътибор кучли, инсонят қадри юксак.

Абду Раҳим ХАЛИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НИҚОБ ЁРДАМ БЕРОЛМАДИ

● «ЎҒРИЛАР УШЛАНДИ, ТЕРГОВ БОРМОҚДА». Афсуски, шунга ўхшаш нохуш хабарларни кейинги пайтда кўп эшитаяпмиз. Бу милицияга ҳисобот учун зарурдир, аммо худди шу ўғирликни ўзга сайёралик эмас кирди-чиқдимиздан бохабар кимсалар қилишаётгани ғоятда ташвишлидир. Уйимга ўғри тушди, дейишларига ҳам кўникдик, кўрсак-да, кўрмасликка оламиз. Балки фожианинг каттаси шудир. Наманган шаҳар ИИБ ходимлари томонидан хонадонга тушган ўғрилар тутилганини эшитгач дастлаб бизни оғир қайғу босди: яна кимнингдир шўри қурибди. Лекин совуқ қуроллару ниқоб билан ҳаракат қилган кимсалардан пуллар ва қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинганн дилимизга таскин берди. Тергов ишларига бошқарманинг тезкор ишлар қисми бошлиғи муовини Т. Холматов ва катта терговчиси А. Умурзоқов раҳбарлик қилаяпти. Улар ўғриларга ёрдам берган кимсаларни топишдан умидвор.

СУРАТЛАРДА: шу воқеа бўйича бошқармада олиб борилаётган ишлар акс эттирилган.

А. КОВТУН олган суратлар. (ЎзА).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАБАРЛАРИ

ЭНДИ КИТОБЛАРДА КУРИШАМИЗ, ЖАНОБ ГЕРЦЕН!

АМУДАРЁ районидаги Герцен номли ўрта мактаб жамоаси ташаббуси билан бу илм масканини машҳур пахтакор Отажон Худойберганов номи билан аташга қарор қилинди.

Лекин мактаб жамоасининг ушбу орзуси осонликча рўёбга чиқмади. У райижроқўмдаги турғунлик даври нафасидан кўпроқ баҳраманд бўлган баъзи кимсаларга ўзбошимчалик, ҳатто сиёсий саводсизлик бўлиб туюлди.

ЎЗБЕКЛАР УЧУН НАШР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА «Аму тонги» деб номланган ўзбекча ҳафталик, ижтимоий-сиёсий газетанинг нишона сони муштарийлар қўлига тегди.

Қоғоз, босмахона, алоқа ва «Союзпечать» харажатлари осмонга кўтарилган ҳозирги пайтда уни чоп этишга зарурат бормиди? Ҳа! Чунки жумҳуриятимизда ўзбек тилида ўқийдиганлар кўпчилик. Шундай бўлишига қарамай, ўзбекча рўзнома йўқ эди-да.

НЕГА ОРҚАГА СУРИЛАЯПТИ?

МАНҒИТ халқ истеъмол моллари фабрикаси меҳнат жамоаси бугунги мураккаб иқтисодий шароитда ҳам аҳолини энг зарур истеъмол моллари — қурилиш ашёлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва зарур кийим-кечаклар билан мумкин қадар таъминлашга эришмоқда.

Ҳозир фабрикада яна бир хайрли иш ниҳоясига етиш арафасида. Корхонанинг янги, муҳташам, қўш қаватли қандолатчилик цехи битаяпти. У жиҳозланиб ишга туширилса, аҳоли учун йилига яна минг тонна ширинлик етказиб бериш имкони бўлади.

Бино аллақачон битиши мумкин эди. Ойна-шишаси, бўёқ, линолеум каби ашёларнинг тақчиллиги ва қимматлашиб кетганлиги ишни орқага сураяпти.

Мансур АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи»нинг Қорақалпоғистондаги ўз мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

ИПАК ЙЎЛИ ЎЗБЕК ИННОВАЦИЯ-ТИЖОРАТ БАНКИ УЗБЕКСКИЙ ИННОВАЦИОННО-КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК

«ИПАК ЙЎЛИ» ЎЗБЕК ҲИССАДОР ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯЛАРИГА ОЧИҚ ОБУНА БОШЛАНГАНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«Ипак йўли» Ўзинтижбанк акцинерлик жамияти сўмлар ва чет эл валюталарида барча банк ишларини амалга оширадиган «Ипак йўли» Ўзинтижбанки базасида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси, Болтиқбўйи, Россия ва Украинанинг 40 дан ортиқ ташкилот, корхона ҳамда ҳорижий мамлакатларнинг инвестиция ва молия институтлари «Ипак йўли» Ўзинтижбанкининг муассислари (акционерлари) ҳисобланади.

Булар қаторида:

— Мавороуннаҳр Мусулмонлари диний бошқармаси.
— Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио компанияси;
— «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси;
— Янгийўл гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш заводи;
— Рига тижорат банки;
— Ростекстил (Россия);
— Англия холдинг компанияси;
— «Узвторресурси» Республика бирлашмаси;
— Тошкент метрополитени;
— Тошкент вилояти «Лубпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси;
— Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Навоий ва бошқа вилоятлардаги жамоа, давлат хўжаликлари ҳамда бошқа ҳуқуқий шахслар бор.

Бундан ташқари «Ипак йўли» Ўзинтижбанки Украина, Россия, Болтиқбўйидаги қўшма банклар ва «АЛ-БАРАКА» деб номланган Шарқнинг йирик молия уйининг ҳам муассисидир.

Таъсис конференцияси 1992 йилнинг 1 ноябрида ўтказилади.

1992 йилдаги жорий (устав) фонд юз миллион сўм ва беш юз минг АҚШ доллари деб эълон қилинган.

Банк икки хилдаги исми ёзилган акциялар чиқаради:
— исми ёзилган оддий акциялар;
— исми ёзилган имтиёзли акциялар.

Имтиёзли акциялар:
— 5000 сўмликдан 2000 дона, жами 10 000 000 сўмлик;
— 100 АҚШ долларидан 500 дона, жами 50 000 долларлик.

Оддий акциялар:
— 5000 сўмликдан 18000 дона, жами 90 000 000 сўмлик;
— 1000 АҚШ долларидан 450 дона, жами 450 000 долларлик;

Обуна Ўзбекистон Республикасидаги қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 5-уй.

Обуна муддати 1992 йил 1 июндан 1 ноябргача.

Муассислар томонидан моддий шаклда бинолар, жиҳозлар, кўпайтирувчи ва компьютер техникаси тақдим этилиши мумкин.

Банк акцияларига тўлов восталарини қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш зарур: р/с №700161201 «ИПАК ЙЎЛИ» ЎЗИНТИЖБАНКИДА, ҲИСОБ МАРКАЗИДАГИ КОД № 172682701, ТОШКЕНТ ШАҲРИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилотлар, корхоналар, колхоз ва совхозларга

УМК—С—2 КИЧИК ҲАЖМДАГИ АРАЛАШ ЕМ (КОМБИКОРМА) МОСЛАМАСИНИ, ҚУШИМЧА УСКУНАЛАРНИ, СКО—Ф—3 БИР АЙЛАНАЛИ ЕМ АРАЛАШТИРГИЧНИ, СКО—Ф—3 ЕИЛА, 656, 335, 01—02ТО БИР АЙЛАНАЛИ ЕМ АРАЛАШТИРГИЧЛАРИ БОШҚАРМАСИНИ пул ўтказиш билан сотади.

Битта комплектнинг баҳоси 700 000 (етти юз минг) сўм.

Маълумот учун телефон: 64-09-54.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги республика электротехника тиббиёт техникумида ўқишга киришни хоҳловчилар учун 1992 йил 10 июнь куни 10 дан 14 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700107, Тошкент шаҳри, Чилонзор районн, Нурхон кўчаси, 16-уй. (20, 34, 50, 70, 80, 152, 189, 116 автобуслар, 7, 16, 19, 23 троллейбусларнинг «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник шифохонаси» бекати).

Иқтисодий мустақилликка эришиш ва қўшимча фойда олишни хоҳловчиларга

ФИРМА

таклиф ИНОТЕКС этади:

ҲАЙВОНЛАР ТЕРИСИНИ ШИЛУВЧИ КИЧИК ЦЕХ

Цех ускуналари мўйнали ҳайвонлар терисини олишдаги барча ишлар комплексини (терини ошлаш, бўяш, тортиш, ёғлаш ва бошқа) бажаради ҳамда қўй, мол ва эчки териларини ҳам қайта ишлаш имконини беради.

Мурожаат учун манзилимиз:
Ўзбекистон Республикаси,
706800, Навоий шаҳри,
Навоий кўчаси, 29 уй.
тел. 3-90-23.

АЛПОМИШЛАР ҚАЙТСАЛАР...

Замонимиз ўзгаришлар, янгиланишлар замони бўлмоқда. Бир томондан қимматчилик, бир томондан табиий офатлар дилимизни хуфтон қилаётган бўлса-да, кўнглимизга ёруғлик олиб кираётган янгиликлар ҳам йўқ эмас. Пойтахтимиздаги айрим районларнинг номлари ўзгартирилди. Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Миробод каби номлар худди узукка кўз қўйгандек яраши.

Тошкент метросидаги «СССР 50 йиллиги» бекати Улуғбек номи билан, «Комсомол» бекати «Ёшлик», «Октябрь инқилоби» бекати эса «Марказий хиёбон» деб юритилмоқда. Айниқса, метрода йўловчиларга фақат ўзбек тилида мурожаат қилинишн кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди.

Яна бир хушхабар. Тошкентдаги «Юбилейний» Марказий спорт саройи «Алпомиш» деб аталди. Ҳеч кимга сир эмаски, республикамизда мавжуд бўлган барча спорт иншоотларида маҳаллий аҳолини учратиш қийин. Ўзлигимизни англаб етаётган бир замонда миллатимизнинг энг катта бойлиги унинг соғлом, бақувват одамлари эканини унутмаслигимиз керак. Шундай экан, номи достонларда битилган алп қоматли Алпомишларнинг нафақат номлари, балки ўзлари ҳам юртимизга қайтишса эди...

И. ЖИЯНОВ.

ЧЎЛПОН

ЙЎЛ ЭСТАЛИКЛАРИ

ҚИШЛОҚДАН ХАБАР

Фарғонанинг эски шаҳарларидан биттасидамиз. «Чархи фалак» деган жой, бозорнинг ўртаси. У ёқ самовор (чойхона) бу ёқ самовор, ўртасидан тўла суви билан бир анҳор ўтадир. Анҳорнинг қоқ ўртасига бир сўрича қўйилгой. Асад (июль) ойи. Кун жуда қизғон. Ҳаво Сўфи Оллоёр айтганидек миска ўхшаб қизғон. Дунё тўнкарилиб қолгон иссиғ мис идиш дейсиз... ҳар кимнинг қўлида бир елпуғич елпинадур.

«Оҳ-воҳ» қиладур...

Бозорларда санқираб юратурғон овора итлар ҳам кўринмайлар. Суяк умид қилиб қассоблар олдида, ошхоналар теграсида ҳамма вақт айланатурғон бозор итлари соя жойларга кириб ухлаш ҳаракатидалар.

Катта тоғора билан чоч айрон қилиб, ўртасига катта икки парча муз солиб қўйгон айрончи айронни ҳар сопирғон сари енги билан юзини артадир. Бурунгидай «Овтоси манбаийдан, шогирди таралайдан келган айрон» деб бақириб, мақтаб сотишқа ҳам ҳафсаласи йўқ...

У мақтамаса ҳам ўткан-кетганлар бир пиёла совуқ айрон ичмасдан ўтмайдирлар.

— Жангиррр...
— Жунгиррр....
Шолдиррр...
Шулдиррр...

Бу ҳозирги вақтларда чойнак ўрнига ишлатилатурғон чойдишлардан чиққан товуш...

Тўполонг йилларида чойнаклар ҳам қолмагон эди. Янгилари келгунча очилгон самоворларда кичкинакичкина сариғич келган қизил мисдан чиройлик енгил чойдишлар пайдо бўлгон, чойни пиёлага қуймоқ учун чойдишчанинг бўйнини эгсангиз қопқоғидаги кичкина қутичага жойлашгон майда тош парчалари у ёқ-бу ёққа ўтиб ёқимли, жангираган товуш чиқарадир...

Самоворчи ҳам ярим ухлаб, ярим уйғоқ ўлтуриб чойдишчаларга сув қуядир. Самоворда ўлтурғонлар ҳам оғанаш ҳаракатида...

Бизнинг сўричамиз анҳорнинг қоқ ўртасида. Биз билан сув орасида бир қарич очиқлик бор. Катлик оёқларига шалоплаб текканда кейин, иккига ажралиб, шир-шир оқиб кетаётгон сувларнинг бетида кичкина ҳашакчалар ўйнаб-ўйнаб оқиб борадирлар. Кат устида ётқонлар ҳам, иссиғнинг шиддатидан ўзларини сувга ташламоқчи ва ўша ҳашаклардек сув қўйнида алла қаёқларга судралиб кетмоқчи бўладирлар!

Қаршимиздаги сўричада, қишлоқ халқи эканликлари афтларидан билиниб турғон икки киши ўлтирадур. Биз билан қўшни бўлсалар ҳам бирбиримиз билан таниш эмасмиз. Улар гоҳ-гоҳ бизга қарайдилар, биз ҳам тез-тез уларга қараймиз. Бизда шулар билан танишмак, шуларнинг қаерлик эканликларини билмак, билгандан кейин турғон жойлари ва яшагон қишлоқлари тўғрисида бир нарса эшитмак ҳаваси қўзғолди. Қандай қилиб бўлса ҳам танишмак истар эдик.

Қишлоқ халқи, асти ўзи бетаклиф бўладир. Биттамиз сўрадиқ:

— Сиз шаҳарлик эмасмисиз?
— Йўқ, биз қишлоқ одами.
— Қайси қишлоқдан?
— «Моси»дан.
— Бозорқўрғон, «Моси»сиданми?
— Ҳа.

Шу билан гаплашиб кетабердик.

Кенг дала. Қатор-қатор толлар, ўтлар, баъзи жойларда бир-икки туб қайроғоч ҳам бор. У дарахтларнинг ўртаси кўм-кўк қамиш. Шамол келган сари шатр-шутр товуш чиқарадир. Қамиш орасида чигиртка, шом яқинлашиб, қоронғи тушиши билан «чир-чир» қилиб қулоқларни ейдур...

Баландроқ бир жойдан қарасангиз у ер-бу ерда зўр-зўр оловларнинг гулдираб ётқонини кўрасиз.

— Нима бу қишлоққа ўт кетдими?
— Йўқ, тўполонг вақтида экин ерларини босиб кетган қамишларга деҳқонлар ўт қўйғонлардир. Кесиб тамом қилиш мумкин эмас.

Қамиш ёниб-ёниб тўқтагондан кейин деҳқон хотин бола-чақаси билан далада ерини шудгор қиладир!

Йўлингиз яна қишлоққа тушиб қолди. Ё отлиқ, ё пиёда дала йўл билан кетиб борасиз.

Йироқдан қўш, омоч кўринадир.

От йўқ.

— Нима бало? Ановилар ўр ҳайдаб ётқон деҳқонлар эмасми?
— Ҳа.
— От борми, йўқми? Мен кўрмай ётибман.
— От йўқ, муллака.
— Хўкуз қўшгонми?
— Йўқ муллака.
— Эшакми?
— Йўқ муллака.
— Ҳа, бўлмаса омочқа нима қўшқан? Нима билан ҳайдайдур?
— Одам билан...

Ерга яқинлашдингиз. Қамишлар шатир-шутир қилиб орқангизда қолиб борадур. Неча йилдан бери чопилмагон ариқлар кўкатлар остида қолиб кеткан, кўринмайдур.

Арик, чарчагон отингиз йиқилай-йиқилай деб арикдан ўтди. Кўзингиз экинлик ерида.

Кўз олдингизда чиндан фожиа бир кўриниш очиладур:

Эски, пачоқ бир омоч...

Орқада омочни ушлаб бораётқон бир одам...

Олдида отнинг, хўкизнинг ўрнида иккита одам...

Дона-дона, аччиғ заҳарлик терилар яланғоч танларидан юмалаб тушиб борадурлар...

Юзлари — совуғон ўчоқдай бўлгон.. ҳансираб, чарчаб, ҳориб-толиб чидамлик оёқларини илгари босадирлар...

Асад (июль) ойлари...

Ҳаво «мисдек қизғон»...

Иссиғлик — ерни даҳшатлик қучоғига олиб, жонворларнинг ҳаммасини қовурмоқчи, кабоб қилмоқчи...

Қишлоқ одамлари тез-тез терларини артиб гапирадилар. Биз ҳам — иссиғликни эсдан чиқариб юбориб, бутун борлиғимиз билан қишлоқлиларнинг гапини тинглаймиз.

Уша деҳқонларнинг чанқоғларини қондириб келаётқон анҳор суви, севиниб-севиниб оқиб борадир.

Қишлоқлилар гапни давом этирадурлар. Биз тинглаймиз.

Асад (июль) ойлари...

Ҳаво, «мисдек қизғон»...

Тўплаб, нашрга тайёрловчи ШЕРАЛИ ТУРДИЕВ.

(Давоми. Боши газетамизнинг 31 март, 15 апрель сонларида).

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат компанияси ҳорижий мамлакатларга эшиттиришлар муҳарририяти «Ватандош» радиостанциясининг программа бошқарувчиси Г. Раҳматуллаевага отаси

Ражаб ШАРИПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши касаба уюшмалари Андижон вилоят бирлашмасининг раиси М. Ғ. Музаффаровага онаси

Турсиной МУЗАФФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ ● НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 24.00

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12